

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqlidir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya – الماتريدية – Матуридизм



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолiddин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги
04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолiddин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фаҳриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhriddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти..... 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табоқот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan
mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбаин жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг
манбашунослик таҳлили 171

Bahodirjon B. AZAMOV,
*Doctoral Student of the International
 Islamic Academy of Uzbekistan,
 Lecturer of Tashkent Islamic
 Institute named after named Imam Bukhari.
 Qarasaroy str. 41, 100069, Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: bahodirazamov1989@gmail.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/22

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ «АЛ-АМСОЛ МИН АЛ-КИТОБ ВАС-СУННА» АСАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

CODICOLOGICAL ANALYSIS OF THE WORK «AL-AMTHAL MIN AL-KITAB WAS-SUNNA» BY HAKIM TIRMIDHI

ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТРУДА ХАКИМА ТИРМИЗИ «АЛЬ- АМСАЛЬ МИН АЛЬ-КИТАБ ВАС- СУННА»

КИРИШ

Қуръон ва суннатдаги масал-ўхшатишларни ёритган илк манбалардан бири қомусий аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг (820-932) «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» («Қуръон ва суннатдан масаллар») номли китобидир. Асарнинг мавзуси унинг номидан ҳам кўриниб турибди. Ушбу манба ҳақида то 1975 йилда доктор Али Муҳаммад Бижовий¹ (1321-1399) унинг йиғма-қийёсий матнини нашрга тайёрлагунига қадар кўпчилик тадқиқотчиларда батафсил маълумот йўқ эди. Асарда Қуръони каримдаги бир неча оят ва ҳадиси шарифлардаги панд-у насиҳат, иршод-қўрсатма ва ибратли ҳикматлар акс этган масал-тамсиллар ажратиб олинди, уларнинг замиридаги ҳақиқатлар содда ва рағбат услубда баён этилган. Шунинг учун асарни Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келган зарбулмасалларни ўрганишда муҳим манба деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, мусулмон Шарқи бадиий адабиётида масал асосида шаклланган тамсил, ташбеҳ, истиора,

¹ Бу олимнинг нисбаси ўзбек тилидаги айрим тадқиқотларда «Бажовий» дея қўрсатилган (Ж.Ҳамроқулов, 2015:17). Изланишларга кўра, уни «Бижовий» дейиш тўғрироқ экани маълум бўлди. Чунки, у олим мисрлик. Мисрнинг жануби шарқида – Қизил денгиз соҳилида «Вежа» номли ҳудуд бўлиб, аҳолисига «Бижовий» (Bejawi) нисбаси берилади. Олимнинг баъзи тадқиқ этган китоблари ҳақида инглиз тилидаги маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Шулардан келиб чиқиб, унинг нисбасини «Бижовий» шаклида бериш маъқул қўрилади.

тазод, муқобала каби кўплаб бадиий санъатлар ва поэтик ифода воситалари мавжудки, оят ва ҳадисларда қўлланилган мисол ва ўхшатмаларни англамай туриб, киши уларнинг моҳиятини тушуна олмайди. Ҳаким Термизийнинг мазкур асари мумтоз адабиётда Қуръоний мотивларни ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Манбани илк бор мисрлик олим Али Муҳаммад Бижовий ўрганиб, асар матни бўйича таҳқиқ ва тадқиқ ишларини олиб борган. Тадқиқотчи дунёнинг турли фондларида сақланаётган бир неча қўлёзма ва фото нусхалари устида олиб борган тадқиқот натижасида 1975 йили асарнинг йиғма-қийёсий матнини нашрга тайёрлашга муваффақ бўлган. Унга қадар бу асарни ўрганиш ва уни илмий муомалага киритишга араб ёки ажамлاردан бирор тадқиқотчининг қўл ургани аниқланмади. Тадқиқотчи бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидагича ёзади: «Камина бу китоб ҳақида изланишлар олиб бориб, уни нашрга тайёрлаб, муҳтарам китобхонларга тақдим этмоқдаман. Афсуски, у бугунга қадар – менинг билишимча – унут бўлган, уни одамларга тақдим этишга ҳеч ким қўл урмаган эди. У ҳақда деярли ҳеч кимда маълумот йўқ, фақатгина масал жанрига оид асар ёзган баъзи муаллифлар Ҳаким Термизийнинг шу мавзуда асари борлиги ҳақида икки сатр сўз билан қифояланишган». Жумладан, мисрлик олим Маҳмуд ибн Шариф «ал-Амсол фил-Қуръон» («Қуръондаги масаллар») номли китобида бу асарни бироз бошқача ном – «Расоил ал-Ҳаким Тирмизий» («Ҳаким Термизий рисоалари») шаклда зикр қилган (М.Шариф, 2010:120). Машҳур муфасссир Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Ансорий Қуртубий (1214-1273) ҳам «ал-Жомеъ ли аҳкоми-л-Қуръон» («Қуръон ҳукмлари мажмуаси») номли асарида бу китобга мурожаат қилиб, иқтибос келтирган. Бироқ уни «Наводир ал-усул» деб алломанинг бошқа асари номи билан алмаштириб тилга олган М.Қуртубий, 2006:322). Аслида «ал-Амсол» Ҳаким Термизийнинг буткул бошқа асари эканини қуйида билиб оласиз». Дарҳақиқат, бу асарлар муаллифнинг турли мавзуларга оид икки китоби ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

«Ал-Амсол минал-Китоб вас-сунна» исломий фанлар сирасига кирувчи тасаввуфий тафсир ва ҳадислар шарҳига оид манба ҳисобланади. Шунинг

Аннотация. Бу илмий мақолада қомусий аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий қаламига мансуб "Ал-Амсал мин ал-Китоб вас-сунна" (Қуръон ва суннатдан масаллар) номли асари манбашунослик жиҳатдан таҳлил этилди. Унинг қўлёзма ва фото нусхалари, шунингдек, мисрлик олимлар доктор Али Муҳаммад Бижовий ва доктор Саййид Жумайлий томонидан тайёрланган икки йигма-қиёсий матн, шунингдек, доктор Аҳмад Абдулрахим Сойих, тадқиқотчи Солим Мустафо Бадрий, суриялик олим Али Аҳмад Абдул-Ол Таҳтовийлар томонидан нашр этилган яна учта замонавий нусха ва уларнинг сифатлари ҳақида маълумот берилди. Жумладан, асарнинг Париж миллий кутубхонаси, Туркиядаги «Aşir Efendi» ва «Esad Efendi», Ҳиндистон – Калькутта шаҳридаги «Ал-жамъийя ал-Асиявийя» кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари ўрганилиб, уларнинг нечанчи асрга мансублиги, қайси хаттот томонидан кўчирилгани, ўзаро фарқли жиҳатлари очиқланди.

Шунингдек, асардаги Қуръони карим, ҳадиси шарифдан келтирилган масаллар баён этилди. Шунингдек, асарнинг учинчи қисми – ҳукамо-дониишмандларнинг масаллари – га алоҳида тўхталиб, улар Ҳаким Термизийнинг масалларими ёки ҳукамо ва машойихлардан нақл қилган масалларми экани баҳс қилинди. Ҳар учала қисмдаги масаллар адади баёнига тўхталиб, бу борада хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрлари муқояса ва таҳлил қилиниб, асарнинг бир неча замонавий нашрлари асосида сўнги хулоса берилди.

Калим сўзлар: Тибён ал-амсал, ал-Китоб, суннат, ал-ғизо, улу-л-албоб, расоил, саҳиҳ, ҳадис, мажмуа, мутун, зарбулмасал, ботиний маъно, тадқиқот.

Abstract. In this scientific article, the work entitled «Al-Amsal min al-Kitob was-Sunna» (Parables from the Qur'an and Sunnah) written by Abu Abdullah Muhammad ibn Ali Hakim Tirmidhi was analyzed in terms of source studies.

The manuscripts and photocopies of the book, along with two texts of comparative analysis prepared by Egyptian scholars Dr. Ali Muhammad Bijawi and Dr. Sayyid Jumayli, were provided. In addition, three modern copies published by Dr. Ahmad Abdurrahim Sayih, researcher Salim Mustafa Badri, and Syrian scholar Ali Ahmad Abdul Al Tahtawi were also included. The qualities of these materials were reported.

Specifically, the manuscript copies of the work housed in the National Library of Paris, «Ashir Efendi» and «Esad Efendi» libraries in Turkey, and «Al-Jam'iyya al-Asiawiyya» in Calcutta, India were studied. Information regarding their age, the calligraphers who copied them, and their unique differences were revealed.

The parables from the Holy Qur'an and hadiths featured in the work were stated. Special attention was given to the third part of the work, which contains the parables of hukama and mashayikhs. It was discussed whether these are the original parables of Hakim Tirmidhi or if they are parables he quoted from hukama and mashayikhs.

The number of parables in all three parts of the work was referenced, and the views of both foreign and local scholars were compared and analyzed. A final conclusion was drawn based on several modern editions of the work.

Keywords: Tibyan al-Amthal, al-Kitab, sunnah, al-ghiza, ulu al-albab, rasail, sahih, hadith, majmu'a, mutun, zarbulmasal, implicit meaning, research.

Аннотация. В данной научной статье с точки зрения источниковедения проанализирован труд энциклопедиста Абу Абдуллаха Мухаммада ибн Али Хакима Термизи под названием «Аль-амсаль мин аль-китоб вас-сунна» (Притчи из Корана и Сунны).

А также сообщается о его рукописях и фотокопиях, еще о двух сравнительных текстах, подготовленных египетскими учеными доктором Али Мухаммадом Биджави и доктором Саййидом Джумайли, а также ведётся речь о трех современных копиях, опубликованных доктором Ахмадом Абдулрахимом Сойихом, исследователем Салимом Мустафой Бадри и сирийским ученым Али Ахмадом Абдул-Аль Тахтавий, и о качестве этих текстов.

В частности, были изучены рукописные копии произведения, хранящиеся в Национальной библиотеке Парижа, «Ашир Эфенди» и «Эсад Эфенди» в Турции, «Аль-Джамийя аль-Асиавия» в Калькутте, Индия, и их возраст, у какого каллиграфа была скопирована, и выявлены их различия.

В работе были разъяснены притчи из Священного Корана и хадисы. Также особо была затронута третья часть произведения - притчи мудрецов и обсуждено, являются ли они притчами Хакима Термизи или цитируемыми им притчами из мудрецов и старцов. Что касается описания количества притч во всех трех частях, то были сопоставлены и проанализированы мнения зарубежных и отечественных ученых и дан окончательный вывод на основе нескольких современных изданий произведения.

Ключевые слова: Тибян аль-амсаль, аль-Китаб, сунна, аль-ғиза, улу-ль-альбаб, расаил, саҳиҳ, ҳадис, комплекс, мутун, притча, внутренний смысл, исследование.

учун муаллиф китоб таълиф қилишдаги исломий одоб мезонига мувофиқ иш тутиб, кириш сўзни «басмала» билан бошлагач, Аллоҳ таолодан кўмак тилаганидан сўнг ҳамд-у сано ва пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга салавот битикларини ёзган. Кейин асарнинг ёзилиш сабабини қуйидагича баён қилган:

«...أما بعد فإنك سألتني عن شأن الأمثال وضربها للناس»

Маъноси: «Аммо баъд. Сиз мендан масал-ўхшатишлар ва одамларга зарбулмасал қилиш ҳақида сўраган эдингиз...» (Ҳ.Термизий, 1975:1).

Ҳаким Термизийнинг мазкур гапидан асарнинг ёзилишига ўша даврдаги илм ихлосмандларининг зарбулмасал ва унинг мазмун-моҳияти ҳақидаги саволлари асосий сабаб бўлганини кўриш мумкин. Бу жумла билан асарга кириш қилган муаллиф сўзининг давомида қисқача дебоҳа ёзиб, унда масал жанрининг Қуръони каримда ҳам келтирилгани, унинг маъноларини одамларга тушунарсиз ва номаълум бўлган нарса ва ҳодисаю ҳолатларни уларга маълум бўлган, кўрган-билган, англаган нарсаларига ўхшатиш орқали тушунтиришнинг энг самарали усули эканини айтиб ўтган (Ҳ.Термизий, 1975:1). Сўнг асосий мақсадга кўчиб, навбат билан аввал, Қуръони каримда зарбулмасал шаклида келган бир неча ояти карималар, кейин ҳадиси шарифлардаги айрим зарбулмасаллар, ортидан донишмандларнинг бир қанча зарбулмасаларини баён қилиш билан китобни якунлаган.

МУҲОКАМА

Асар колофонида «Аллоҳга ҳамд бўлсинки, бу китоб Унинг кўмаги ва фазли-карами билан ниҳоясига етди. Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммадга, у зотнинг аёлларига, зурриёти ва саҳобаларига Аллоҳнинг салавати – раҳмату мағфирати бўлсин. Бизларни ҳам Ўз фазли карами билан улар қаторида қилсин», деган мазмундаги дуолар бор.

Колофон давоми хаттотнинг ўзи ҳақида қуйидаги қайдлари билан давом этади: «Бу китобни охиригача кўчириш Аллоҳнинг раҳматига муҳтож банда Али ибн Сулаймон ибн Аҳмад ибн Сулаймон Муродий Андалусийнинг қўли билан адоғига етказилди. Аллоҳ унга бу ишни манфаатли қилсин, ундаги илмларни юқтирсин, фазли ва раҳмати билан Ўзининг пайғамбарига эргашувчилардан айлсин. Унинг ота-онаси ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча умматларини мағфират қилсин!» (Ҳ.Термизий, 1975:352).

«Ал-Амсол минал китоб вас-сунна» асари уч қисмдан иборат:

Қуръони каримдаги зарбулмасаллар.

Ҳадиси шариф ва хабарлардаги зарбулмасаллар.

Ҳукамо-донишмандлар сўзларидаги зарбулмасаллар.

Учинчи қисмда Ҳаким Термизий олим ва машойихларнинг тажриба маҳсули ўлароқ ояти карима ва ҳадиси шарифлардан англаган ҳикматли зарбулмасалларни келтиради. Бу қисмдаги зарбулмасаллар бирор олимга нисбатланиб, «фалончидан ривоят қилинган» деб айтилмаган. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар, жумладан, доктор Али Муҳаммад Бижовий асарнинг бу қисмидаги масаллар Ҳаким Термизий шахсан фаҳмлаган ҳақиқатлар бўлиб, аллома уларни зарбулмасал шаклида ифода этган, дейди (А.Бижовий, 1975:4). Бироқ, бизнингча бу фикрни тўлалигича қабул қилиш тўғри эмас. Масаллар бирор олимга нисбатланмаса-да, барча масаллар муаллифи айнан у эканини билдирмайди. Балки китоб чўзилиб кетмаслиги учун шу услубни қўллаган бўлиши ҳам мумкин. Бу эса, мумтоз манбаларда кўп учрайдиган ҳолат. Бир нарса аниқки, Ҳаким Термизий ояти карима ва ҳадиси шарифларнинг зоҳирий ва ботиний мазмун-маъноларини ифодалашда салафи солиҳлар, ҳукамо ва машойихлардан истифода этган. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Баъзи тадқиқотчилар жумладан, доктор Муҳаммад Иброҳий Жуюший ўз илмий тадқиқотида шу каби мулоҳазаларни айтиб, бу қисмдаги масаллар фақат Ҳаким Термизийга эмас, бошқа ҳукамоларга ҳам тегишлидир, деган фикрни илгари сурган (М.Жуюший, 1980:78).

Асар номини ўқиган кишининг хаёлига, у Қуръон ва суннатдаги барча масалларни қамраб олган экан, деган фикр келади. Бироқ уни ўқиб чиққач, мутлақо бошқа ҳақиқат маълум бўлади. Зеро, Ҳаким Термизий оят-ҳадисдаги масалларнинг барчасини жамламоқчи бўлмаган. Улардаги кўплаб масаллар асарда келтирилмагани ҳам шуни кўрсатади. У зот ваъз ва ибрат, таълим ва фикр, ҳикмат ва дин масалаларини ўзида мужассам этган масалларнигина китобига киритишни асосий режа қилган кўринади. Шу сабаб ундаги оят-ҳадислардан келтирилган масаллар сони камроқ. Шунингдек, муаллиф китоб номидаги маънодан биров четлаган ҳолда олимларнинг тажрибаларга асосланиб айтган ва зарбулмасал бўлиб кетган ҳикматли сўзларини ҳам келтирган. Буни мавзудан четлашиш деб қатъий айтиш тўғри эмас. Балки, машойихларнинг мазкур сўзлари ҳам

айни Куръон ва суннат мазмунининг халқ тилидаги ифодаси дейиш мумкин. Зеро, Ҳаким Термизийга, унинг устоз ва комил машойихларига ҳам Аллоҳ таолонинг дўстларидан бўлган солиҳ зотлар сифатида қаралади. Уларнинг Куръони карим ва ҳадиси шарифдан англаган маънолари айна ҳикмат экани шубҳасиз. Муаллиф шу маънода уларнинг пурмаъно ва зарбулмасал сўзларини китобга киритган дейишимиз мумкин.

Асардаги масаллар сони ҳақида тадқиқотчи олимларнинг фарқли фикр-мулоҳазалари бор. Жумладан, Ҳаким Термизий асарлари ва қарашлари бўйича илк илмий тадқиқот олиб борган мисрлик олим доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюшийнинг хулосасига кўра, Ҳаким Термизий бу асарида Куръони карим, суннати Набавиядан 23 та масал келтирган. Бироқ Жуюший мавзуларни номма-ном санашида эса, Куръондан келтирилган масаллар мавзусини 22 та, ҳадисдан олинганларини эса, 23 та деб кўрсатган. Шунингдек, у асардаги Куръон, ҳадис ва машойихлардан келтирилган масалларнинг умумий сони 160 та атрофида эканини ёзган (М.Жуюший, 1980:78). Унинг фикрига кўра, Ҳаким Термизийнинг машойихлар сўзларидан келтирилган масаллари сони чамаси 115 тани ташкил этади.

Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий мероси бўйича кўп илмий изланишлар олиб борган ўзбекистонлик тадқиқотчи И.Усмонов бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «... Муаллиф ушбу китобида Куръондан 22 та, ҳадисдан 23 та ва шайхларнинг сўзларидан 90 га яқин масаллар келтирган» (И.Усмонов, 2017:70). Бу ўринда икки олим – И.Жуюший билан И.Усмоновнинг фикрлари Куръон ва ҳадисдан келтирилган масаллар ададида бир-бирига яқин. Лекин учинчи турдаги масаллар сони бўйича кўрсаткичлари анча фарқли.

Бу борада аниқ маълумотга эга бўлиш учун асарнинг бугунги кунда мавжуд учта замонавий нашри – мисрлик профессорлар Али Муҳаммад Бижовий (А.Бижовий, 1975) ва Саййид Жумайлий (С.Жумайлий, 1987) нашрга тайёрлаган йиғма-қиёсий матнлари ҳамда Шайх Али Аҳмад Абдул-Ол Таҳтовийнинг (А.Таҳтовий, 2006) замонавий нашри – қиёсий ўрганилиб, оят, ҳадис ва машойихлар масаллари ҳамда уларнинг сони бирма-бир ўрганилди. Асардаги мавзуларни ўрганиш бу ададнинг бироз фарқли эканини кўрсатди. Унга кўра, муаллиф Куръони каримдан масаллар баён қилишда «Мунофиқларнинг мисоли», «Мол-мулкини Аллоҳга бўлган тоати йўлида сарфловчи кишининг мисоли», «Риёкор ва мушрик кимсанинг

мисоли» каби ўхшатиш сарлавҳали 24 та мавзудаги 29 та зарбулмасални 36 та оят мисолида баён қилган (Ҳ.Термизий, 1975:4-30). Улар орасида баъзи бир масаллар бир неча оятда ифодаланган. Шунингдек, баъзи бир оятларда икки-уч зарбулмасал кетма-кетлиги ҳам учрайди. Ҳар нима бўлса-да, умумий масаллар сони 22 та эмаслиги аниқ. Ундан ташқари муаллиф мавзуни шарҳлашда ташбеҳ маъносига эга ва эга бўлмаган яна олтига оятни зикр қилган (Ҳ.Термизий, 1975:4-30). Мавзулар орасида бир-бирига мазмунан яқин сарлавҳалар ҳам кўзга ташланади. Лекин бу ҳолатни мавзу такрорланиши деб ҳисоблаб, масаллар сонини камайтириш тўғри эмас.

Муаллиф Куръони карим зарбулмасалларини келтиргач, унинг мазмун-моҳиятини такрор эслатиб, мавзуни қуйидагича яқунлаган: «Ушбу масаллар инсонлар кўзи кўриб, қулоғи эшитмаган нарсалардан намуналардир. Улар одамлар кўрган-билган нарсаларга ўхшатиб ифода этилади. Мақсад, одамлар ушбу ғайб нарсаларни ўзлари кўрган-билган ашёларига таққослаш орқали идрок этсинлар» (Ҳ.Термизий, 1975:30).

Муаллиф ҳадислардаги зарбулмасаллар баёнига киришишдан аввал уларнинг саноғига тўхталиб, «Хабар-ҳадислардаги зарбулмасаллар санаб бўлмас даражада кўп. Биз улардан баъзиларини зикр қиламиз», дейди (Ҳ.Термизий, 1975:30). Юқорида уларнинг саноғи тўғрисида икки олимнинг фикри баён этилган эди. Аммо ундаги ҳадис зарбулмасаллари бирма-бир саналганда икки тадқиқотчи кўрсатган сондан фарқли натижа қайд этилди. Учала нашрда ҳам умумий мавзулар сони 29 та. Шулар орасида «Куръоннинг мисоли», «Расулulloҳ ва Пайғамбарлар мисоли», «Сахий ва бахилнинг мисоли», «Беш вақт намознинг мисоли» каби 27 та ўхшатиш мавзусида 32 та зарбулмасалли ҳадиси шариф, иккитасида эса, «Иброҳим» сурасининг 24-26 зарбулмасал оятлари ва тафсири келтирилган. Шулардан 31 та ҳадисда «масал» сўзи иштирок этган, биргина ҳадисда унинг ўрнига бошқа бир ташбеҳ ҳарфи қўлланган. Бироқ бу ҳадиснинг мазмунида ҳам масал акс этган. Мавзу якунида Ҳаким Термизий яна масалнинг асл моҳиятига тўхталиб, «Бу масалларнинг барини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ғайб бўлган нарсаларни мавжуд нарсалар мисолида кўрсатиш учун келтирилганлар», дея мавзуни яқунлаган (Ҳ.Термизий, 1975:44).

Асарнинг таркибий тузилмасини тўлиқ ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ундаги оят ва ҳадислардан келтирилган масал-

лар ҳажми китобнинг жуда кам қисмини ташкил этиб, улар ҳукамолардан нақл этилган масалларнинг қарийб еттидан бирига тенг келар экан. Бу эса асарнинг катта қисми ҳукамоларнинг зарбулмасалларидан иборат эканини кўрсатади.

Бу туркумдаги зарбулмасаллар сонини асарнинг замонавий нашрлари – бир шарҳи, икки йиғма қиёсий матнини муқояса қилиб, бирма-бир санаб аниқланди. Унга кўра, асардан ўрин олган ҳукамоларнинг зарбулмасаллари адади 116 та ҳикматли сўз ва мақоллардан иборат. Бу кўрсаткични «Олимларнинг мисоли», «Подшоҳнинг мисоли», «Яхши ва ёмон дўстнинг мисоли» каби масал-ўхшатиш сарлавҳаси билан берилган зарбулмасаллар ташкил этган. Бу қисмда зарбулмасал тарзида берилмаган бошқа мавзулар ҳам бор. Шунингдек, бу қисмда айнан зарбулмасал бўлмаса-да, мазмунан яқин сарлавҳалар билан келтирилган яна 14 та мавзу учрайди.

Таъкидлаш жоизки, асарни уч қисмга ажратишдан мақсад Қуръон, суннат ва ҳукамолар масалларини аралаштирмай, ҳар бирини ўз бобида келтириш эмас. Балки ислом одобига мувофиқ, аввал оятлар, сўнг ҳадислар, кейин ҳукамолар масаллари келтирилган. Зарур ўринларда, ҳадис масаллари оятлар мисолида берилган. Айниқса, ҳукамолар масалларини шарҳлашда муаллиф оят ва ҳадисларни юздан зиёд ўринда келтирган. Бу оят ва ҳадисларда зарбулмасал сўз ва ибора шаклда акс этмаган. Бироқ ҳукамолар масаллари ушбу оятларнинг маъзидан истифода этилган. Ҳаким Термизий уларнинг орасини усталик билан боғлаб берган.

Ҳаким Термизий «Амсол» асарида Қуръони каримнинг 56 та сурасидан 169 та ояти карима ва 74 та ҳадиси шарифни келтирган. Шундан 36 та оят биринчи қисмда зикр қилиниб, 3 таси иккинчи қисмда такрорланган. Демак, қолган 130 дан зиёд оятлар учинчи қисмдаги масаллар мазмунини шарҳлайди.

Асарда истифода этилган 74 та ҳадисдан 32 та зарбулмасалли ҳадис биринчи қисмда, қолган 52 таси эса, учинчи қисмда берилган. Демак, асарнинг учала қисмида мавзуга алоқадор ояти карималар зикр қилинган. Ҳадиси шарифлар эса, 2–3-қисмларда баён қилинган. Биринчи қисм – оятлардаги масаллар туркумида фақат оятлар келтирилган. Бу қисмда ҳатто мавзунинг шарҳида ҳам на бирор ҳадис, на ҳукамоларнинг зарбулмасаллари бор.

Демак, «Амсол» китобида 179 та зарбулмасал 160 дан зиёд ояти карима ва 70 дан ортиқ ҳадислар

асосида баён қилинган. Ҳаким Термизий барча масаллар маъносини баён қилишда Қуръони карим ва суннат доирасидан заррача оғишмаган. Китобнинг учинчи қисмидан жой олган донишманд ва олимлардан нақл қилинган. Ўзидан келтирган масалларни ҳам Қуръон оятлари ва суннати Набавия билан қувватлагани муаллифнинг соғлом эътиқоди ва мустаҳкам иймонидан дарак беради. У баъзи бир оятларнинг маъносини шарҳлаш асносида бир қарашда тушуниб олиш қийин бўлган услубда ўзининг ирфоний қарашларини баён қилган ҳоллари ҳам кузатилади. Зеро, оятлар тафсирида ботиний жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратиш Ҳаким Термизийнинг ўзига хос услуби бўлиб, тасаввуф уламолари орасида ҳам шу сифати билан яққол ажралиб туради. Ҳатто фақат унинг китобларидагина учрайдиган ўзига хос тасаввуфий истилоҳлари бор, уларни на тасаввуфга оид бошқа асарлар ва на суфий муаллифлар такрорлайди. Бу мулоҳазани Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий асарлари, унинг қарашлари бўйича илмий изланишлар олиб борган доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший ҳам эътироф этган (М.Жуюший, 1980:80).

Мазкур асарнинг мағрибий хат билан ёзилган энг мўътабар қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасида инв.№5018 рақамида сақланади. У ўзи яхлит китоб ҳолида эмас, бир неча қўлёзмалардан иборат инв.№21817 рақамли мажмуанинг 141-184-варақларидан ўрин олган. У тахминан ҳиж. V/мил. XI асрга мансуб қўлёзма ҳисобланади (А.Бижовий, 1975:13). У қуйидаги жумлалар билан бошланган:

«أما بعد فإنك سألتني عن شأن الأمثال وضررها للناس...».

Маъноси: «Аммо баъд. Сиз мендан масал-ўхшатишлар ва одамларга зарбулмасал қилиш ҳақида сўраган эдингиз...». Бундан асарнинг толиби илм ва мухлислар талабига жавобан ёзилганини англаш мумкин. Дарҳақиқат, мумтоз асарларда бу каби ҳолат – илм ихлосмандлари талабига биноан ёзилиши кўп кузатилади.

Унинг настаълиқ ҳусни хатида кўчирилган бошқа бир қўлёзма нусхаси Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Eşir Efendi» кутубхонасида мавжуд бўлиб, у инв.№1479 рақамида сақланади. У ҳам мустақил асар ҳолида эмас, балки мутун қўлёзмалардан иборат инв.№21816 рақамли мажмуанинг 42-97-варақларидан ўрин олган. Бу нусха аввалгисидан ҳошия қайдлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Қайдлар матннинг аввалида эмас, ён томонида ёзилгани унинг котибга тегишли

эканини билдиради. Доктор Али Муҳаммад Бижовий ўз тадқиқотида «ал-Амсол» асарини ичига олган бир қўлёзма мажмуага тўхталиб, «Бу китоб (ал-Амсол) Ҳаким Термизийнинг қўлёзма асарларини ўзида жамлаган жомеъ ал-мутун тартибида тузилган мажмуадан ўрин олган. Мажмуанинг аввалги саҳифасида қуйидаги сатрлар бор: «Бу мажмуа Ҳаким Термизий қаламига мансуб ўн икки мустақил китобни ўз ичига олган». Ушбу гапдан сўнг мазкур ўн икки китобнинг номлари келтирилган. Унда «Ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асари ўн биринчи ўринда саналган. Китоблар номларидан сўнг «Бу асарларнинг барчаси беназир аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (қоддасаллоҳу руҳаҳу) томонидан тасниф этилган», деб қайд этилган» (А.Бижовий, 1975:5-6). Аммо А.Бижовий мазкур мажмуанинг қаерда сақланишини кўрсатмаган. Уни Париж Миллий кутубхонасида инв.№5018 рақаида сақланувчи мажмуа, дейиш мумкин. Чунки, ўрганилган манбаларга кўра, Ҳаким Термизийнинг қуйидаги ўн икки номдаги асари ўрин олган мажмуа фақат Париж фондида сақланиши аниқланди (М.Жуюший, 1980:57). Улар:

«Китоб ас-салот ва мақосидуҳо» (Намоз ва унинг мақсадлари).

«Ал-Ҳаж ва асроруҳу» (Ҳаж ва унинг сирлари).

«Ал-Эҳтиётот» (Ҳавойи нафсдан эҳтиёт бўлиш).

«Ал-Жумал ал-лозим маърифатуҳо» (Билиш керак бўлган жумлалар).

«Ал-Фуруқ ва манъут-тародуф» (Сўзлардаги фарқлар ва уларда синонимлик бўлмаслиги баёни).

«Ҳақиқат ал-Одаимийя» (Одаимийлик ҳақиқати).

«Урс ал-муваҳҳидийн» (Муваҳҳид-мўминларнинг тўй зиёфати).

«Ал-Аъзо ван-нафс» (Аъзолар ва нафс ҳақида).

Манозил ал-ибод минал-ибода (Бандаларнинг ибодатдаги даражалари).

Ал-ақл вал-ҳаво (Ақл ва ҳавойи нафс ҳақида).

«Ал-амсол минал-китоби вас-сунна» (Қуръон ва суннатдан масаллар).

«Китоб ал-манҳийёт» (Қайтарилган амаллар китоби). Бу асар ҳам ўз бобида тенгсиз, ноёб манбадир.

Тадқиқотчи яна «Дар ал-кутуб ал-Мисрия» (Миср китоблар уйи) фондида асарнинг учинчи қўлёзма нусхаси ҳам бор экани, лекин хатолари кўплиги учун йиғма-қиёсий матнни тайёрлашда ундан фойдаланмаганини айтиб ўтган» (А.Бижовий, 1975:13).

Асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги «Ал-жамъийя ал-Асиявийя» (Осиё жамияти) номли кутубхонасида сақланади. У инв.№1056 рақамли мажмуанинг 1-81 varaқларидан ўрин олган. Китобнинг номи: «Тибён ал-амсол» (Масаллар баёни). Муаллиф: Ҳаким Термизий. Нусха кўчирилган вақт: Ҳиж. IX аср. Аралаш хатда кўчирилган. Жами 81 саҳифа. Бичими: 100x190. Матннинг аввалги жумлалари *فإنك سألتني عن تبيان الأمثال وضربها للناس* калималари билан бошланган.

Бундан асарнинг «Ал-амсол», «Тибён ал-амсол» тарзида қайд этилганини билиш мумкин. Шунингдек, бу нусха сўнгиде асарнинг колофони мавжуд бўлиб, унда матн кўчирувчисининг қайдлари ёзилган.

Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳридаги «Дар ал-кутуб ал-Мисрия» фондида мазкур икки кутубхонадаги – Париж миллий кутубхонаси (инв.№5018), «Eşir Efendi» кутубхонаси (инв.№1479) – қўлёзмаларнинг фото нусхаси мавжуд. Шунингдек, Қоҳира шаҳридаги «Маъҳад ал-махтутот ал-арабия» (Арабий қўлёзмалар институти) фондида асарнинг инв.№3142 рақамли фото нусхаси сақланади. Бу қўлёзма эса, Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги «Ал-жамъийя ал-Асиявийя» номли кутубхонасида инв.№ (1)1056 рақамли қўлёзмадан тасвирга олинган нусхадир. Унинг охирида қуйидаги битиклар бор: «Ушбу нусханинг тасвирга олиш ишлари Калькутта шаҳридаги «ал-Жамъийя ал-Осиявийя» номли кутубхонасида 1951 йил, ражаб ойининг 27 санаси, душанба куни, мелодий 1952 йил, 21 апрель куни якунланди».

Асарнинг замонавий ва кўркем шаклдаги йиғма-қиёсий матни илк бор 1975 йилда мисрлик профессор – доктор Али Муҳаммад Бижовий томонидан нашрга тайёрланган. Бижовий асарнинг Қоҳира шаҳридаги «Дар ал-кутуб ал-Мисрия» фондида сақланаётган мазкур икки фото нусхаси асосида ушбу йиғма-қиёсий матнни нашрга тайёрлаб, пойтахтдаги «Дар ан-наҳда» ва «Мақтабату дорит-турос» нашриётларида чоп эттирган. Унда тадқиқотчи керакли ўринларда инв.№21817 рақамли нусхага "А" харфи, инв.№21816 рақамли нусхага эса, "Б" харфи билан шартли кискартма белгилар қўйган (А.Бижовий, 1975:13).

Тадқиқотчи асарнинг йиғма-қиёсий матнига киришишдан аввал унга ўн уч бетдан иборат сўзбоши ёзиб, Ҳаким Термизийнинг таржимаи холи, илмий фаолияти, уламоларнинг муаллиф

ҳақидаги эътирофлари, асарнинг таркибий тузилмаси, турли қўлёзма, фото нусхалари ва тадқиқоти услубларини баён қилган. Шунингдек, асарнинг йиғма қиёсий матнини тайёрлашда нусхалардаги фарқли жойлари ва матннинг шарҳга муҳтож ўринларини таглик ҳаволада мўтабар луғат китоблари асосида изоҳлаган. Ҳаким Термизийнинг тасаввуфий-ботиний маънога эга тафсириларини ўқувчи осон тушуниши учун бошқа машҳур тафсир китобларга мурожаат қилиб, улар асосидаги оятлар тафсирини матн ости ҳаволаларда баён қилган. Масалан: асардаги оятлар қайси суранинг нечанчи ояти эканини ҳаволада кўрсатган. Қўлёзмада берилган оятларнинг маъноси тугалланмай қолган ўринларда уларни охирига етказиб қўйган. Асардаги ҳадисларни «Олти саҳиҳ ҳадислар тўплами» (Т.Жазоирӣ, 2010:153)га мурожаат қилиб, уларнинг қай бирида келтирилганини матн остида ҳавола қилган. Ҳадислардаги тушуниш қийин бўлган сўзларни ҳаволада содда калималар билан шарҳлаган. Шунингдек, у асарда номи зикр қилинган машҳур олимлар таржимаи ҳоллари зикрини ҳам баён этган. Қисқача айтганда, тадқиқотчининг амалга оширган бу ишлари ушбу нашрнинг илмий қийматини оширишга хизмат қилган.

Йиғма-қиёсий матн 352 бетдан иборат бўлиб, асар матни сўнгида фойдаланувчиларга мавзуларни излаб топиш осон бўлиши учун 33 саҳифада куйидаги беш иловали мундарижа ишланган:

Сарлавҳалар мундарижаси;

Асардаги Қуръони карим оятларининг сураалардаги ўрни ва бу асарнинг қайси саҳифаларида келтирилгани кўрсаткичлари;

Асардаги ҳадиси шарифлар матни ва уларнинг қайси саҳифалардан ўрин олгани;

Асарда тилга олинган машҳур шахсларнинг қайси саҳифаларда зикр қилингани;

Тадқиқотда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

Ишда Бижовий луғат, сийрат, тафсир ва ҳадис илмларига оид 22 та мўтабар манбадан фойдаланганини кўрсатиб ўтган (А.Бижовий, 1975:14).

Мисрлик олим доктор Саййид Жумайлий (1948-2018) ҳам «Амсол» китобини йиғма-қиёсий матнини нашрга тайёрлаган. Матннинг умумий саҳифалари 341 бетдан иборат. Унинг аввалги йиғма-қиёсий матндан фарқли жиҳати шуки, унда китобнинг қўлёзма ва бошқа нусхалари ҳақида маълумот берилмаган. Унда муаллиф

ва китоб ҳақидаги қисқача баёндан сўнг асар матни келтирилган. Матндаги тушунарсиз сўз ва ибораларга ҳаволалар билан қисқа изоҳлар берилган. Китобда зикр қилинган олимларнинг таржимаи ҳоллари ҳам тагликка олинган. Асардаги ҳадислар ровийлари ҳақидаги маълумотлар ўз ўрнида баён қилиб борилган. Китоб сўнгида мавзулар кетма-кетлиги мундарижаси мавжуд. У 1987 йилда Байрутдаги «Ибн Зайдун» ҳамда Дамашқдаги «Усома» нашриётларида чоп этилган. Куйидаги маълумотга кўра, китобни аввалроқ Мисрда чоп этилган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки, Саййид Жумайлий томонидан ёзилган муқаддима якунида одатдагидек, тадқиқотчи ва сўзбоши муаллифи доктор Саййид Жумайлий экани кўрсатилиб, остига Қоҳира шаҳри, 1985 йил, март ойи деб қайд этилган. Бу кўрсаткичга асосан, китобнинг 1985 йили Қоҳира шаҳрида чоп этилгани ҳам эҳтимолдан йироқ эмас (С.Жумайлий, 1987:10).

Доктор Али Муҳаммад Бижовий ва Саййид Жумайлийлар томонидан нашрга тайёрланган йиғма-қиёсий матнлар асосан, тағҳаволаларда луғатларга изоҳ бериш ва ҳадис ровийлари ва тарихий шахслар ҳақида маълумот бериш билан кифоялангани айтилди. Бу муаллифнинг асардан кўзлаган мақсадини ўқувчига тўлиқ очиб берувчи шарҳ саналмайди. Зеро, иккала тадқиқотчининг мақсади ҳам асарни шарҳлаш бўлмаган. Бу улар китоб номини ўзгартирмай, фақат унинг матнини нашрга тайёрлаганларидан ҳам маълум бўлмоқда. Агар бу матнлар шарҳ сифатида ёзилганда, албатта, китоб номида шарҳ экани акс этган бўлар эди.

Изланишлар натижасида асарнинг яна бир олим суриялик қози, фақиҳ, адиб, Қуръон ва ҳадис илмларига оид кўплаб асарлар муаллифи, «Аҳл ал-Қуръон вас-сунна» жамияти раиси шайх Али Аҳмад Абдул-Ол Таҳтовий (1909-1999) томонидан тайёрланган замонавий наشري ҳам аниқланди. У нашр «Шарҳу китоб ал-Амсол мин ас-сунна вал-Китоб лил-Ҳаким ат-Термизий» (Ҳаким Термизийнинг «ал-Амсол мин ас-сунна вал-Китоб» китоби шарҳи) номли мўжаз китоб бўлиб, Ливан жумҳуриятининг пойтахти Байрут шаҳридаги «Дар ал-кутуби-л-илмийя» матбаасида 2007 йилда чоп этилган. Бироқ бу ном манбанинг асл номини ўзгартириш ҳисобланади. Зеро, асар номи тарихий манбалар ва асарнинг қўлёзмаларида «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» шаклида кўрсатилган. Бу эса, шарҳ экани даъво қилинган «илмий» ишнинг савия ва сифати қониқарли эмаслигини

билдиради. Мазкур нашр 200 саҳифадан иборат бўлиб, ҳозирда ҳам Мисрдаги китоб дўконларда топилади. Муаллиф вафотидан саккиз йил ўтиб нашр этилганига қарамай, мазкур нашриёт китобни илк нашр эканини қайд этган (А.Таҳтовий, 2006:2). Бундан шайх Али Аҳмад Таҳтовий ҳаётлик чоғида шарҳнинг қоралама нусхасини тайёрлагани, аммо уни оққа кўчириб, таҳрир ва нашр ишларига улгурмай вафот этган, деб тахмин қилиш мумкин. Ёки бу аввал Сурияда ҳам нашр этилгану лекин кенг тарқаман.

Мағриблик профессор Холид Заҳрий ўз тадқиқотида «ал-Амсол» асари яна икки тадқиқотчи – Солим Мустафо Бадрий ва доктор Аҳмад Абдурахим Сойих (1937-2011) томонидан ҳам замонавий шаклда нашр этилганини айтиб ўтган. Бироқ у иккала нашрни ҳам кескин танқид қилган. Жумладан, «Солим Мустафо Бадрий тадқиқоти» номи кўрсатилиб, 2002 йилда Байрутнинг «Дар ал-кутуб ал-илмия» нашриётида босилган нусха шарҳ экани даъво этилса-да, аслида умуман бу номга муносиб эмаслиги, оятлар, ҳадислар, жой ва таниқли шахслар кўрсаткичлари ҳамда мавзулар бўйича мундарижа илова этилгани кўрсатилишига қарамай, биргина сарлавҳалар феҳристидан ташқари бирор илмий кўрсаткичлари йўқ эканини айтиб ўтган. Шунингдек, Х.Заҳрий доктор А.А.Сойихни бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларини ўзлаштириш одати борлиги, бу ҳам унинг навбатдаги «илмий тадқиқоти» эканидан огоҳлантириб ўтган (Х.Заҳрий, 2013:85-88).

НАТИЖА

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу китобни varaқлаб ўрганилса, унинг шарҳ эмаслиги ойдинлашади. Чунки унда ҳатто юқоридаги йиғма-қиёсий матнларда берилган изоҳларчалик ҳам маълумотлар учрамайди. Бутун бошли китобда 15 та таглик ишораси бор ҳолос. Тадқиқотчи китобнинг кириш қисмига икки бет муқаддима ёзган. Унда асарни ўқиб чиққани, матн услуби уни ўзига ром этгани, ўқувчиларга ҳам уни илинганини зикр этиб, чоп этишга қарор қилганини айтган. Даставвал, уни «Ғизо ал-Албоб шарҳ китоб ал-Амсол» деб номлаганини, кейинчалик бу ном юқоридагидек қолишини маъқуллаб, аввалги танланган номдаги – «ал-Ғизо», «ал-албоб», «ал-амсол» – сўзлари маъносига оид қимматли маълумотларни машҳур тилшунос ва тарихчи олим Ибн Манзур (1232-1311) нинг «Лисон ал-араб» (Араб тили) номли луғат

қомусидан олиб, асар дебочасида келтирганини айтган (А.Таҳтовий, 2006:3).

Дарҳақиқат, шайх Али Аҳмад Абдул-Ол Таҳтовий «ал-Амсол»нинг матни олдидан мазкур учала калиманинг маънолари ҳақидаги чуқур илмий баҳсни жойлаган. Шунингдек, тадқиқотчи «ал-албоб» лафзининг луғавий баҳсига янги сарлавҳа очиб, унда Қуръони каримдаги «Улу-л-албоб» яъни «ақл эгалари» сўзи зикр этилган 16 та ояти каримани келтирган. Унга кўра, улар қайси суранинг нечанчи ояти экани кўрсатиб ўтилган. Яна «ал-амсол» лафзининг луғавий баҳсига янги мавзу очиб, Қуръони каримдаги масаллар зикр этилган 61 та ояти каримани санаб ўтган. Тадқиқотчи мазкур уч калимага оид илмий баҳсда уларни бешта сарлавҳа остида жамлаб тадқиқот олиб боргани таҳсинга сазовор. Бу ўқувчига китобнинг номи ва унинг туб мазмун-моҳиятини англашга ёрдам беради. Бироқ, бу маълумотлар шайх Али Аҳмаднинг ўзлари «Тамҳид» яъни «кириш қисм» деб атаганидек, китоб номи ва унинг мазмунига оид бирламчи маълумотлар ҳисобланади ҳолос. Юқорида айтиб ўтилганидек, асарга ушбу тарздаги кичик баҳслар қўшилгани сабабли уни «шарҳ» деб аташ унчалик тўғри эмас. Зеро, шарҳ – бу асар матнидаги тушуниш мушкул бўлган калима ва жумлаларнинг маъноларини изоҳлаб бериши керак эди. Афсуски, бу шарҳда бундай ҳолат кўзга ташланмайди.

Асар ёзилгандан буён унга қўплаб машҳур олимлар мурожаат қилиб, ундан иқтибос олгани, унинг йиғма-қиёсий матнининг замонавий нашрини тайёрлаб, у бўйича катта-кичик тадқиқотлар олиб борилганини кўриш мумкин. Жумладан,

Ўн учинчи асрда ислом илмларининг марказларидан бири бўлган Қуртуба (Испаниянинг ҳозирги Кордоба) шаҳрида яшаб ижод қилган Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Қуртубий (1214-1273) каби буюк мутакаллим, муҳаддис ва муфассир олимнинг тафсир илмида етакчи манбалардан бири бўлган асарида иқтибос келтирган (М.Қуртубий, 2006:322).

1975 йилда мисрлик доктор Али Муҳаммад Бижовий асарга илмий иловалар қўшган ҳолда унинг йиғма-қиёсий матнини нашрга тайёрлади (А.Бижовий, 1975).

1980 йилда эса, яна Миср диёрида яшаб ижод қилган олим доктор Муҳаммад Иброҳим Жуюший Ҳаким Термизий ижодини ўрганишга бағишланган китобида ҳам «ал-Амсол» китобининг мазмун-

моҳияти, унинг қўлёзма ва нашрларига алоҳида тўхталиб ўтган (М.Жуюший, 1980:77-80).

1987 йилда мисрлик доктор Саййил Жумайлий томонидан тайёрланган замонавий нашри бир вақтда икки мамлакат – Ливан ва Сурияда чоп этилган.

2007 йилда суриялик кози, фақиҳ, шайх Али Аҳмад Абдул-Ол Таҳтовий томонидан асарга мўъжаз шарҳ сифатида нашрга тайёрланган замонавий нашри Байрут шаҳрида чоп этилган.

Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганган ва «Наводир ал-усул» асари бўйича ўз номзодлик диссертациясини ёқлаган ўзбекистонлик тадқиқотчи Иброҳим Усмонов ҳам бу асарга бир неча бор тўхталган. Жумладан, «Наводир ал-усул ҳикматлари» рисоласида «ал-Амсол» асарининг мазмуни, тузилиши ҳамда қўлёзма нусхаларига оид маълумот берган (И.Усмонов, 2009:147). «Ҳаким Термизий» номли рисоласида эса, алломанинг илмий меросини таснифлаши жараёнида «ал-Амсол»нинг номини зикр қилиб, уни тафсир ва Қуръон илмларига оид асарлари қаторида санаб ўтган (И.Усмонов, 2014:25).

Шунингдек, И.Усмонов томонидан асарнинг сайланма таржимаси ҳам амалга оширилган. Унда Қуръон ва ҳадисдаги масаллар, донишмандлар масаллари қисман (13 та мавзу масаллари) таржима қилинган. Бу сайланмада алломанинг еттита асари «Наводирул усул» (Нодир аслар), «Манҳиёт» (Қайтариқлар), «ал-Амсол минал Китаб вас Сунна» (Қуръон ва суннатдаги мисоллар), «Масоил аҳли Сарахс» (Сарахс аҳли саволларига жавоблар), «ал-Масоилул макнуна» (Яширин масалалар), «Баён ал-фарқ...» (...Фарқлар баёни), «Илмул авлиё» (Авлиёлар илми) номли китоб ва рисоалари таржимаси ўрин олган. Аввалги нашри «Ҳаким Термизий асарларидан сайланма» номи билан 2017 йилда, иккинчи нашри эса «Орифлар тасаллиси» номи билан 2018 йилда Мовароуннаҳр нашриётида чоп этилган.

Бу кўрсаткичлар Ҳаким Термизийнинг ижоди, айнан «ал-Амсол» китоби кейинги асрлардаги уламолар эътирофига сазовор бўлганини кўрсатади. Йигирманчи ва йигирма биринчи асрларда «ал-Амсол» китобининг дунёнинг турли фондларида сақланаётган қўлёзмалари асосида Миср ва Суриядаги тадқиқотчи ва олимлар томонидан асарнинг йиғма-қиёсий матн ва замонавий нашрлари чоп этилгани асрлар оша унинг дунё олимлари эътибор марказида эканини кўрсатади. Шунингдек, у асрлар бўйи ўз илмий қийматини сақлаб қолганини намоён этади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ушбу асар том маънода Қуръон ва ҳадис илмларининг муҳим тармоғи – улардаги зарбулмасалларнинг мазмун-моҳиятини ёритишга асос солган илк манба деб баҳолаш мумкин. Машҳур муфассир Имом Қуртубий (1214-1273) каби олимнинг тафсир илмига оид асарида ундан иқтибос келтиргани бунинг тасдиғи ҳисобланади. Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг дунё бўйлаб илмий тадқиқот институтлари фондида бир неча қўлёзма ва фото нусхалари сақланиши аниқланди. Асар бўйича араб тилида Миср ва Сурия олимлари томонидан кам сонли бўлса-да, илмий изланишлар олиб борилиб, унинг икки йиғма-қиёсий матни ва яна бир замонавий нашри чоп этилган. Бироқ улардан араб тили мутахассисларигина истифода олишлари мумкин.

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг манбашунослик таҳлили бўйича араб, ўзбек ва бошқа тиллардаги шу кунгача тақдим этилган маълумотлар қисқача ва такрорий қайдлардан иборат экани аниқланди. Қолаверса, улар асл манба билан муқояса қилинганда фарқлироқ натижага эришилди. Бу эса, асар ҳалигача матншунослик ва манбашунослик юзасидан етарлича тадқиқ этилиб, илмий ўрганилмаганини билдиради. Асар ўзбек тилига сайланма таржима қилинган бўлса-да, у ўз номи билан сайланма бўлиб, асар тўлиқ камраб олинмаган. Бу ўз навбатида алломанинг авлодлари бўлмиш ўзбек тадқиқотчилари зиммасига катта масъулият – асарнинг ўзбек тилида оммабоп изоҳли таржимасини тайёрлаш ва нашр этиш, унинг мазмун-моҳиятини келажак авлодга содда тилда етказиш вазифасини юклайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абул Фазл Муҳаммад ибн Мукаррам ибн Манзур. (2009). Лисон ал-араб. Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя.
2. Али Аҳмад Абдул-Ол Таҳтовий. (2006). Шарҳу китоб ал-Амсол мин ас-сунна вал-Китоб. Лубнон: Дар ал-кутуб ал-илмийя.
3. Али Муҳаммад Бижовий. (1975). Ҳаким Термизийнинг «Ал-Амсол минал-Китоб вас-сунна» асари нашрининг кириш қисми. Қоҳира: Мактабату Дар ат-турос.
4. Ал-Ҳаким ат-Тирмизий. (1975). Ал-Амсол минал-Китоб вас-сунна. Али Муҳаммад Бижовий тадқиқоти. Қоҳира: Мактабату Дар ат-турос.

5. Ал-Ҳаким ат-Тирмизий. (1987). Ал-Амсол минал-Китоб вас-сунна. Саййид Жумайлий тадқиқоти. Байрут: Дар Ибн Зайдун.
6. Иброҳим Усмонов. (2009). Наводир ал-усул ҳикматлари. Тошкент: Фан.
7. Иброҳим Усмонов. (2014). Ҳаким Термизий. Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа бирлашмаси.
8. Иброҳим Усмонов. (2017). Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. Тошкент: Мовароуннахр нашриёти.
9. Иброҳим Усмонов. (2018). Орифлар тасаллиси. Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. Тошкент: Мовароуннахр нашриёти.
10. Маҳмуд ибн Шариф. (2010). Ал-Амсол фил-Қуръон. Байрут: Дар ал-Ҳилал.
11. Муҳаммад ибн Аҳмад Қуртубий. (2006). Ал-Жомий ли аҳкоми-л-Қуръон. Байрут: Муассасатур-Рисала.
12. Муҳаммад Иброҳим Жуюший. (1980). Ал-Ҳаким ат-Тирмизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дар ан-наҳда ал-арабийя.
13. Саййид Жумайлий. (1990). Ал-Эъжоз ат-тиббий фил-Қуръон. Байрут: Дар ва мактабат ал-Ҳилол.
14. Солим Мустафо Бадрий тадқиқоти. (2003). Ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна. Ал-Ҳаким ат-Тирмизий. Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
15. Таржимон ва изоҳлар муаллифи: Жалолиддин Ҳамроқулов. (2015). Ҳаж ва унинг сирлари. Тошкент: Мовароуннахр.
16. Тоҳир Жазоирӣ. (2010). Тавжийхун-назар ила усулил-асар. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда тадқиқоти. Ҳалаб: Мактабат ал-матбуот ал-исломия.
17. Холид Заҳрий. (2013). Ҳакиму Хуросон ва анис аз-замон. Работ: Дар ал-Амон.
18. «Hürriyet» газетаси. (2012.21.03). «Истамбул» исми нереден гелиёр» номли мақола. Туркия.
8. Ibrahim Usmanov. (2017). Selection from Hakim Tirmidhi's works. Tashkent: Movarounnahr publishing house.
9. Ibrahim Usmanov. (2018). Oriflar tasallisi. Selection from Hakim Tirmidhi's works. Tashkent: Movarounnahr publishing house.
10. Khalid Zahri. (2013). Hakimu Khorasan wa anis az-zaman. Rabat: Dar al-Aman.
11. Mahmud ibn Sharif. (2010). Al-Amthal fil-Qur'an. Beirut: Dar al-Hilal.
12. Muhammad ibn Ahmad Qurtubi. (2006). Al-Jami' li ahkami-l-Qur'an. Beirut: Muassasatur-Risala.
13. Muhammad Ibrahim Guyushi. (1980). Al-Hakim at-Tirmizi: a study of his works and thoughts. Cairo: Dar an-nahda al-arabiyya.
14. Saalim Mustafaa Badrii's research. (2003). Al-Amthal minal-Kitab vas-sunna. Al-Hakim at-Tirmidhi. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiiya.
15. Sayyid Jumaili. (1990). Al-I'jaz at-tibbi fil-Qur'an. Beirut: Dar wa maktabat al-Hilal.
16. Tahir Jazairi. (2010). Tawjihun-nazar ila usulil-athar. Abdul Fattah Abu Ghudda's research. ALEPPO: Maktabatu-l-matbuat al-islamiyya.
17. Translator and commentator: Jalaliddin Hamraqulov. (2015). Hajj and its secrets. Tashkent: Movarounnahr.
18. «Hürriyet» newspaper. (2012.21.03). Article titled «Where does the name 'Istanbul' come from». Turkey.

REFERENCES

1. Abul Fadl Muhammad ibn Mukarram ibn Manzur. (2009). Lisan al-arab. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiiya.
2. Al-Hakim at-Tirmidhi. (1975). Al-Amthal minal-Kitab vas-sunna. Ali Muhammad Bijawi's research. Cairo: Maktabatu Dar at-turos.
3. Al-Hakim at-Tirmidhi. (1987). Al-Amthal minal-Kitab was-sunna. Sayyid Jumayli's research. Beirut: Dar Ibn Zaidun.
4. Ali Ahmad Abdul-Al Tahtawi. (2006). Sharhu kitab al-Amthal min as-sunna wal-Kitab. Lebanon: Dar al-kutub al-ilmiiya.
5. Ali Muhammad Bijawi. (1975). Introduction to the publication of Hakim Tirmidhi's «Al-Amthal minal-Kitab was-sunna». Cairo: Maktabatu Dar at-turath.
6. Ibrahim Usmanov. (2009). Navodir al-usul hikmatlari. Tashkent: Fan.
7. Ibrahim Usmanov. (2014). Hakim Termizi. Tashkent: «Tashkent Islam University» publishing house.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@maturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية